

11-01/65-son

22 iyul 2026 yil.

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Навоий вилояти ҳокими



Н.Т.Турсунов

**Вилоят ҳокимлигининг аппарат йиғилиши
БАЁНИ**

2026 йил 20 июль

Навоий шаҳри

Раислик қилувчи: Н. Турсунов - вилоят ҳокими

Қатнашдилар: Вилоят ҳокими ўринбосарлари, гуруҳ раҳбарлари, котибият мудирлари, вилоят бошқармалари ва ташкилотлари раҳбарлари, шаҳар, туман ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари, кун тартибидаги масалаларга алоқадор ташкилот ва муассаса раҳбарлари (рўйхат бўйича)

КУН ТАРТИБИ:

1. Ижро интизомини мустаҳкамлаш (*edo.ijro.uz.да назоратдаги ҳужжатлар, олдинги аппарат йиғилишларида берилган топшириқлар, мурожатлар билан ишлаш*);

2. Аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, жиноятчилик ва оилавий ажримларни камайтириш ҳамда ободонлаштириш масалалари бўйича танлаб олинган оғир (қизил) тоифадаги маҳаллаларга бириктирилган масъуллар томонидан амалга оширилаётган ишлар ва келгусидаги вазифалар тўғрисида;

3. Камбағал оилалардаги меҳнатга лаёқатли ишсизларни иш билан таъминлаш, олий таълим битирувчилари ва ишсиз ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича берилган топшириқлар ижроси тўғрисида;

4. Кичик ва ёшлар саноат зоналари фаолиятини самарали ташкил этиш, ер сотиб олиб қурмаётган ёки чала қурилган лойиҳалар билан ишлаш, лойиҳаларни ишга тушириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида;

5. Ҳаво ҳароратининг кескин кўтарилиши муносабати билан тезкорлик билан чора-тадбирлар кўриш, хусусан бозорлар, умумовқатланиш объектлари ва аҳоли гавжум жойларда **ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, чўмилиш ҳавзаларида хавфсизликга риоя қилиш** масалалари тўғрисида;

6. Қўшимча масалалар (Ижтимоий соҳалардаги санитария-гигиена шаҳобчаларини таъмирлаш, “Вақф” жамоат фонди ҳисобидан таҳоратхоналар қуриш, Мустақиллик байрамига тайёргарлик).

(Н.Турсунов, А.Ниёзов, С.Ҳикматов, А.Муллажонов, М.Зарипов, О.Зарипов, Ю.Матлабов, Ғ.Эшонов, Н.Атажонов, Ш.Бўронов, Н.Раҳманов, Ш.Болтаев, Б.Бобомуродов, А.Рашидов, А.Файзиев, О.Умаров, У.Адилов, Н.Турсунов)

Йиғилишда дастлаб, ижро интизомини мустаҳкамлаш ҳамда “edo.ijro.uz” электрон тизими орқали назоратга олинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ижросини ўз вақтида ва сифатли қилиб бажарилиши муҳокама қилинди ҳамда вилоят ҳокими ўринбосарлари, туман (шаҳар) ҳокимлари, корхона, ташкилотларнинг биринчи раҳбарларига белгиланган вазифаларни ўз вақтида, кечиктирмасдан ва сифатли тарзда бажариб борилишини таъминлаш топшириғи берилди.

Шунингдек, Зарафшон шаҳар, Томди ва Учқудуқ туманларида ижро интизоми, Давлат раҳбарининг ва Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатларида берилган топшириқлар ижроси бўйича ўтказилган танқидий ўрганиш натижалари ўқиб эшиттирилди ҳамда камчиликка йўл қўйган масъулларга нисбатан интизомий жазо чоралари кўрилиши белгилаб қўйилди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари (Ниёзов)га Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 25 июндаги 386-сонли қароридаги республика даражасидаги бугунги кунда бажарилмаган топшириқлар бўйича Вазирлар Маҳкамасига ҳамда Президент Администрациясига хат киритиш топшириғи берилди.

Зарафшон шаҳар, Томди ва Учқудуқ туманлари ҳокимларига Давлат Раҳбарининг вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қабул қилинган ҳужжатларидаги ҳамда Ҳукумат қарорларидаги ушбу ҳудудларда амалга оширилиши белгиланган топшириқлар билан жиддий шуғулланишлари бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилиш кун тартибида, аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, жинойатчилик ва оилавий ажримларни камайтириш ҳамда ободонлаштириш масалалари бўйича танлаб олинган оғир (қизил) тоифадаги маҳаллаларга бириктирилган масъуллар томонидан амалга ошириладиган ишлар ва келгусидаги вазифалар муҳокама қилинди ҳамда бириктирилган масъулларга аниқ кўрсатмалар берилди.

Вилоят ҳокимлиги масъул ходими (Сайфиддинов)га вилоят Иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси (Бобоқулов), “Томорқа суғориш маркази” ДМ (Муродов) билан биргаликда аҳоли томорқасидан унумли фойдаланиш мақсадида 2025 йилда фойдаланишга топширилган 79 та тик қудуқлар ҳолатини тўлиқ ўрганиб чиқиш бўйича вазифалар белгилаб берилди.

Шунингдек йиғилишда, вилоятда камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасида бириктирилган масъуллар ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан олиб борилаётган ишларга ҳам тўхталиб ўтилди.

Туман (шаҳар) ҳокимларига камбағаллик ошган маҳаллалар бўйича ўрганишлар ўтказиб, мавжуд муаммоларни аниқлаб, маҳаллаларда камбағаллик ва ишсизликни камайтириш мақсадида аниқ таклифлар ишлаб чиқиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шу билан бирга, бандлик дастурининг олти ойлик режасининг барча йўналишларда солиқ органларида акс эттирилишини таъминлаш юзасидан масъулларга топшириқлар берилди.

Бундан ташқари, 2025/2026 ўқув йилида таълим муассасаларини битирган битирувчи ёшлар бандлигини таъминлаш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Ҳар бир туман (шаҳар)да ишсиз бўлган битирувчилар учун корхона ва ташкилотлардаги бўш иш ўринлари “Меҳнат ярмаркаси”ни, “Алоқабанк” “Миллийбанк” билан биргаликда туман (шаҳар) марказларида “Карера кунлари” тадбирларини ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда, Кичик ва ёшлар саноат зоналари фаолиятини самарали ташкил этиш, ер сотиб олиб қурмаётган ёки чала қурилган лойиҳалар билан ишлаш, лойиҳаларни ишга тушириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларга тўхталиб ўтилди.

Хусусан, ер майдони олинганига 3-5 йилгача бўлган лойиҳаларда бугунги кунга қадар қурилиш ишларини якунламаган, айримлари бошланмаганлиги кескин танқид қилинди.

Туман (шаҳар) ҳокимлари кичик ва ёшлар саноат зоналари фаолиятини самарали ташкил этишга шахсан масъул эканлиги, агарда ишлар етарли ташкил этилмаган тақдирда ҳокимларнинг биринчи ўринбосари ҳамда инвестиция масалалари бўйича ўринбосарларига нисбатан интизомий чоралар қўлланилиши белгилаб қўйилди.

Шунингдек, ҳаво ҳароратининг кескин кўтарилиши муносабати билан тезкорлик билан чора-тадбирлар кўриш, хусусан бозорлар, умумий овқатланиш объектлари ва аҳоли гавжум жойларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, чўмилиш ҳавзаларида хавфсизликка риоя қилиш масалалари муҳокама қилиниб, тегишли масъулларга вазифа ва топшириқлар берилди.

Шунингдек, Фавқулодда вазиятлар бошқармаси (Эшонов)га, Ички ишлар бошқармаси (Тасбаев)га, Миллий гвардия вилоят бошқармаси (Тоиров)га туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда каналлар бўйида аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, чўкиш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларнинг ҳамда ёнғин хавфсизлигининг олдини олиш мақсадида, ижтимоий тармоқларда кенг тарғибот тадбирларини амалга ошириш юзасидан вазифалар белгилаб берилди.

Шу билан бирга йиғилишда ижтимоий соҳа объектларидаги таъмирталаб санитария-гигиена шохобчалари ҳолатини замонавий талаблар асосида яхшилаш ҳамда “Вақф” жамоат фондидан ажратилган маблағлар ҳисобидан масжидлар таҳоратхоналарини қуриш бўйича олиб борилаётган ишлар муҳокама қилиниб, тегишли масъулларга вазифалар белгилаб берилди.

Йиғилишда, вилоят ҳокими ўринбосарларига, Маданият бошқармаси (Ниязов), Маънавият ва маърифат бўлими (Хайитов) туман (шаҳар) ҳокимликларига ва бошқа тегишли мутасаддиларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 1 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз беш йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги ПҚ-120-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!” деган бош ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш бўйича топшириқлар берилди.

Шу билан бирга, байрам тадбирларини ҳар бир ҳудудда жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлаган ҳолда ўтказиш, маҳалла ва гузарлар, кўп қаватли уйлар атрофида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этиш, маънавий-маърифий тадбирларини ўтказиш, байрам арафасида арзонлаштирилган савдо ярмаркаларини ташкил этиш, “Маърифат куни” лойиҳасини амалга ошириш, Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари, “Оилавий болалар уйлари” ва “Мурувват” уйлари тарбияланувчилари, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”, “Камбағаллик реестри”га киритилган ҳамда кўмакка муҳтож инсонларнинг ҳолидан хабар олиш масалалари бўйича мутасаддиларга аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, туман (шаҳар) ҳокимлари ва тегишли масъулларга белгиланган вазифаларни сифати ва муддатида амалга оширилишини таъминлаш бўйича топшириқ ва вазифалар белгилаб берилди.

Йўл қўйилган камчиликлардан келиб чиқиб, барча даражадаги раҳбарларга ижро интизомини мустаҳкамлаш, кун тартибидаги масалалар юзасидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар ҳамда мутасаддиларнинг ҳисоботларини инобатга олиб, йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, таркибий бўлинма раҳбарлари Давлат Раҳбарининг edo.ijro.uz тизими орқали ижроси назоратга олинган июль ойида бажарилиши белгиланган топшириқлари ижросини **жорий йилнинг 25 июлига қадар** тўлиқ таъминлаб, назоратдан ечиш чораларини кўрсин.

2. Вилоят ҳокимлиги Ишчи гуруҳининг жорий йилнинг 9-10 июль кунлари Зарафшон шаҳар, Томди ва Учқудуқ туманларида ижро интизоми, Давлат раҳбарининг ва Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатларида берилган топшириқлар ижроси бўйича ўтказилган ўрганиш натижалари маълумот учун қабул қилинсин.

3. Вилоят ҳокимлиги Ташкилий-кадрлар гуруҳи (**Авезов**) **бир кун муддатда:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатларида белгиланган топшириқлар ижросини таъминламаганлиги, ижро интизомини сусайтириб юборганлиги ва ишда йўл қўйган камчиликлари учун:

вилоят ҳокимининг қурилиш, тўсиқларсиз муҳит яратиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича ўринбосари **А.Ниёзовдан “тушунтириш хати”** олинсин;

Учқудуқ (**Елмуратов**) ва Томди (**Умаров**) тумани ҳокимлари билан биргаликда Учқудуқ ва Томди туманлари ҳокимининг қурилиш, тўсиқларсиз муҳит яратиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича ўринбосарлари **С.Муратов** ва **Р.Кунакбаевга** нисбатан қонунчиликда ўрнатилган тартибда интизомий жазо чораларини қўллаб, натижаси бўйича вилоят ҳокимига ахборот киритсин;

вилоят Иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси (**Жумаев**), вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**), Кадастр агентлиги вилоят бошқармаси (**Нишонов**), вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси (**Отақулов**), Маҳаллалар уюшмаси вилоят бошқармаси (**Облоқулов**), вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси (**Сафоев**), вилоят Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси (**Ҳайитова**), вилоят Оила ва хотин-қизлар бошқармаси (**Мамадиярова**) билан биргаликда:

Маҳаллалар уюшмаси Учқудуқ туман бўлими бошлиғи **А.Ҳамидов**;

Учқудуқ туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи **М.Норқулов**;

Учқудуқ тумани Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими бошлиғи **Ҳ.Мирманов**;

Томди тумани Иқтисодиёт ва молия бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари **М.Абдумаликов**;

Томди тумани Мактабгача ва мактаб таълими бўлими бошлиғи **М.Кулжанов**;

Томди тумани Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи **А.Доспанбетова**;

Кадастр агентлиги Зарафшон шаҳар бўлими бошлиғи **Л.Тобаназарова**;

Зарафшон шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Ў.Турдиевларга** нисбатан қонунчиликда ўрнатилган тартибда интизомий жазо чораларини қўллаб, натижаси бўйича вилоят ҳокимига ахборот киритсин.

4. Зарафшон шаҳар (Раҳманов), Томди (Умаров) ва Учқудуқ (Елмуратов) туманлари ҳокимлари **бир ҳафта муддатда** Давлат Раҳбарининг вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қабул қилинган ҳужжатларидаги ҳамда Ҳукумат қарорларидаги ушбу ҳудудларда амалга оширилиши белгиланган, бироқ бугунги кунда ижроси тўхтаб қолган ва бошланмаган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида, республика ташкилотлари ва вилоят ҳокимлиги билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича таклифларни ишлаб чиқиб киритсин.

5. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (Ниёзов) бир кун муддатда Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 25 июндаги 386-сонли қароридаги республика даражасидаги бугунги кунда бажарилмаган топшириқлар бўйича Вазирлар Маҳкамасига ҳамда Президент Администрациясига киритиш мақсадида, хат лойиҳасини тайёрлаб, вилоят ҳокимига имзолаш учун киритсин.

6. Зарафшон шаҳар ҳокими (Раҳманов):

бир ҳафта муддатда Президент Халқ қабулхонасига энг кўп мурожаат йўллаган “Наврўз” маҳалласи аҳолиси билан қабул ташкил этилишини;

бир кун муддатда “Наврўз” маҳалласида яшовчи фуқаро Т.Люхинанинг мурожаатига нисбатан бефарқ муносабатда бўлиб, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонун талабларини бузганлиги учун Зарафшон шаҳар Ички ишлар бўлими бошлиғи **С.Латиповга** нисбатан қонунчиликда ўрнатилган тартибга кўра интизомий жазо чорасини қўлланишини таъминласин ҳамда натижаси бўйича вилоят ҳокимлигига маълумот киритсин.

Назорати **Э.Авезовга**.

7. Зарафшон шаҳар прокуратураси (Шерназаров) беш кун муддатда “Қурувчи” маҳалласида яшовчи фуқаро О.Саъдуллаевнинг ҳамда “Тинчлик” маҳалласида яшовчи фуқаро А.Пармановнинг мурожаатлари бўйича ўрганиш ўтказиб, камчиликларга йўл қўйган масъулларга нисбатан қонун устуворлигини таъминласин ҳамда натижаси бўйича ўрнатилган тартибда вилоят ҳокимлигига маълумот киритсин.

Назорати **А.Муллажоновга**.

8. Зарафшон шаҳар (**Раҳманов**), Томди (**Умаров**) ва Учқудуқ (**Елмуратов**) туманлари ҳокимлари **бир ҳафта муддатда** ижро интизоми, мурожаатлар билан ишлаш ва “ИШ БЕРИНГ” телеграм канали орқали йўлланган мурожаатлар бўйича аниқланган камчиликларни бартараф этиб, амалга оширилган ишлар тўғрисида вилоят ҳокимига ҳисобот киритсин.

Вилоят ҳокимлиги Ижро интизоми назорати бўлими (**Намозов**) ва вилоят Халқ қабулхонаси (**Абдуазизов**)лар ушбу топшириқ ижросининг ҳаққонийлигини ўрганиб, натижасини кейинги аппарат йиғилиши муҳокамасига киритсин.

9. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (**Сулаймонов, Ходжаев**), Маҳаллалар уюшмаси вилоят бошқармаси (**Облоқулов**), вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**) **бир кун муддатда** вилоят ҳамда туман (шаҳар) штаблари фаолиятини ташкил этиб, аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, жиноятчилик ва оилавий ажримларни камайтириш масалари бўйича танлаб олинган оғир (қизил) тоифадаги маҳаллаларга бириктирилган масъуллар томонидан амалга оширилаётган ишларни кунлик, ҳафталик, ойлик назоратни олиб борсин ҳамда бириктирилган раҳбарлар томонидан амалга оширилган ишлар бўйича танқидий-таҳлилий маълумотлар тайёрлаб **ҳар ҳафта** вилоят ҳокимига ахборот киритиб борсин.

Туман (шаҳар) ҳокимлари бириктирилган масъуллар томонидан аниқланадиган туман даражасида ҳал этиладиган масалаларни ҳал этилишига шахсан масъул эканликлари белгилаб қўйилсин.

10. Ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари орқада бўлган (*ишсизлик, камбағаллик, оилавий ажримлар, жиноятчилик ва инфратузилмасидан келиб чиқиб*) **132 та** оғир (қизил) тоифа маҳаллаларга бириктирилган масъулларнинг вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

маҳаллада ишсизлик ҳолатини ўрганиш, бунда, меҳнат бозорига кириб келувчи ишсизлар (*битирувчи ёшлар, миграция ва ҳарбий хизматдан қайтганлар*) номма-ном рўйхатини шакллантириш, уларни бандлигини таъминлаш учун маҳаллани ўзида меҳнат ярмаркалари ташкил қилиш орқали, доимий бўш иш ўринларига жойлаштириш, даромадини ошириш мақсадида, имтиёзли кредит, бизнес лойиҳалар, томорқалардан самарали фойдаланиш учун иссиқхоналар ташкил этиш (*бандликка кўмаклашиш бўлимлари ва тижорат банклари билан биргаликда*);

камбағал оилаларнинг даромадини ошириш ва камбағалликдан чиқариш чораларини кўриш, бунда, ижтимоий реестрдаги оилаларни номма-ном ўрганиш, камбағал оилаларнинг даромадини ошириш учун доимий бандлигини таъминлаш, касбга ўқитиш, имтиёзли кредитлар ва ссудалар, субсидиялар

ажратиш ҳамда микролойиҳалар ташкил этиш, тиббий кўриклар ўтказиш, оғир беморлар ва ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш учун вилоят Соғлиқни сақлаш ва Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги вилоят бошқармалари билан ҳамкорликда ишларни олиб бориш;

Ички ишлар органлари билан ҳамкорликда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар юзага келиши мумкин бўлган ҳолатлар юзасидан профилактик чораларни кучайтириш ҳамда жиноятчиликка мойил (хавф) шахслар билан алоҳида ишларни ташкил этиш;

маҳаллада ажрим ёқасидаги оилалар билан индивидуал ишларни олиб бориш, бунда, психолог, хотин-қизлар фаоли, оқила аёллар, отинойи ва имом хатиб билан биргаликда ҳуқуқий маслаҳатларни ташкил этиш, айниқса ёш оилалар учун ўқув ва суҳбатлар ўтказиш, Ички ишлар органлари билан ҳамкорликда зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш, хавф гуруҳидаги оилалар билан профилактик ишларни кучайтириш;

маҳалла ҳудудидаги кўчаларни ободонлаштиришда хизмат кўрсатувчилар билан ҳамкорликда ариқ ва зовурларни тозалаш, қабристонларда ҳашар ташкил этиш, шунингдек, аҳоли хонадонларидаги ошхона, ҳожатхона, молхоналарни тартибга келтириш, деворларни оқлаш, ижтимоий шароити оғир хонадонларни ободонлаштириш, асосий кўчада жойлашган хонадон деворларини оқлаш, маиший ва қаттиқ чиқиндилардан тозалашга алоҳида аҳамият бериш, бунда, аҳолини жалб этишда маҳалла еттилиги ва кўча боши (уй боши)лар, маҳалладаги фаол нуронийлар (ҳожи ота, ҳожи оналар) билан биргаликда ишларни ташкил этиш;

маҳалладаги ижтимоий объектларни (мактаб, боғча, техникум, тиббиёт, кутубхона, маҳалла биноси ва бошқа) қайта хатловдан ўтказиш, аниқланган муаммо ва камчиликлар юзасидан туман (шаҳар) ва вилоят штабларига асослантирувчи таклифлар киритиш, ичимлик суви, электр, газ, йўл ва ободонлаштириш муаммоларини ҳал қилиш бўйича тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳал этиш чораларини кўриш;

Мустақиллигимизнинг 35 йиллиги муносабати билан “Обод маҳалла – фаровон ҳаёт” шиори остида маҳалла байрамларини ташкил этиш, тадбирларда миллий қадриятлар ва урф-одатларга бағишланган маънавий-маърифий кечалар ўтказиш, спорт мусобақаларини (футбол, волейбол, стол тенниси, миллий кураш ва бошқа) ташкил этиш, “Энг намунали кўча”, “Энг обод хонадон”, “Ибратли оила” танловларини ўтказиш ҳамда ғолибларни рағбатлантириш.

11. Навоий шаҳар (Эргашев) ҳамда Нурота тумани (Файзиев) ҳокимларининг **уч кун муддатда** Мустақилликнинг 35 йиллиги тарғибот воситаларини илиш, байроқларни тартибга келтириш ҳамда ободонлаштириш ишларини жойига қўйиш бўйича берган ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

Қолган барча туман (шаҳар) ҳокимлари **бир ҳафта муддатда** ўз ҳудудларида Мустақиллигимизнинг 35 йиллиги байрамини юқори савияда ўтказиш мақсадида, юқорида қайд этилган тадбирларни тўлиқ ташкил этиш чораларини кўрсин.

12. Вилоят телерадиокомпанияси (**Муқимов**) ҳар ҳафта якуни билан оғир (қизил) тоифадаги маҳаллаларга бириктирилган масъулларнинг фаолияти бўйича ҳамда Мустақиллигимизнинг 35 йиллигини кенг тарғиб қилиш мақсадида ўрнатилган баннерлар ҳамда ободонлаштириш тадбирларининг бориши бўйича танқидий ўрганишлар ўтказиб, натижаси юзасидан вилоят ҳокимлигига маълумот киритиб борсин.

13. Вилоят ҳокимлиги масъул ходими (**Сайфиддинов**), вилоят Иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси (**Бобоқулов**), “Томорқа суғориш маркази” ДМ (Муродов) билан биргаликда **беш кун муддатда** аҳоли томорқасидан унумли фойдаланиш мақсадида 2025 йилда фойдаланишга топширилган 79 та тик қудуқлар ҳолатини тўлиқ ўрганиб чиқиб, натижаси бўйича вилоят ҳокимиغا маълумот киритсин.

14. Нурота тумани “Бўдиқ”, Томди тумани “Аяққудуқ” ҳамда Хатирчи тумани “Лангар” маҳаллаларидаги камбағал оилаларга бириктирилган масъуллар ҳамда туман ҳокимлари билан биргаликда ушбу маҳаллалардаги камбағаллик реестридаги оилаларга молиявий хизматлар кўрсатилишини (*имтиёзли кредит, ссуда ва субсидия*) таъминласин.

Вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**) **бир ҳафта муддатда** юқорида номлари келтирилган маҳаллаларда амалга оширилган ишлар бўйича вилоят ҳокимлигига ёзма ахборот киритсин.

15. Туман (шаҳар) ҳокимлари ўтган ойга нисбатан камбағал оилалар сони ошган **102 та** маҳаллани Ишчи гуруҳи ташкил этган ҳолда ўрганиб, мавжуд муаммоларни аниқласин ҳамда мазкур маҳаллаларда камбағаллик ва ишсизликни камайтириш мақсадида, аниқ таклифлар ишлаб чиқиб **бир ҳафта муддатда** амалга оширилган ишлар тўғрисида вилоят ҳокимиغا маълумот тақдим этсин.

Вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**) етти ойлик якунлари бўйича бириктирилган масъуллар томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисида бириктирилган масъуллар кесимида таҳлилий маълумотларни вилоят ҳокимиغا киритсин.

Бунда, бириктирилган оилаларда камбағалликни қисқартириш ва бандликни таъминлаш борасидаги ишларни қониқарсиз ташкил этган масъуллар вилоят ҳокими раҳбарлигида ўтказиладиган йиғилишларда вилоят студиясидан иштирок этиши белгилаб қўйилсин.

16. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (**Сулаймонов, Ҳикматов, Ниёзов, Ғаффоров, Мирзаев, Мамадиярова**) корхона (ташкилот) раҳбарлари ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда бандлик дастурининг олти ойлик режасининг барча йўналишларда солиқда акс эттирилишини инобатга олиб тўлиқ бажарилишини таъминласин.

Вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**) амалга оширилган ишлар бўйича **уч кун муддатда** вилоят ҳокимига танқидий-таҳлилий маълумот киритсин.

17. Вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**) туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда квоталанган (*иш ўринларини захирага қўйиш*) иш ўринлари бўйича қонун талабларини бажармаётган корхона (ташкилот)лар рўйхатини тўлиқ шакллантирган ҳолда уларга нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда жазо чораларини қўлласин ҳамда амалга оширилган ишлар ва кўрилган чоралар тўғрисида **бир ҳафта муддатда** вилоят ҳокимлигига маълумот киритсин.

18. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (**Сулаймонов, Ниёзов, Ғаффоров, Ҳикматов, Ходжаев, Мамадиёрова, Мирзаев**) туман (шаҳар) ҳокимлари билан биргаликда бандлиги таъминланмаган **3335 нафар** олий таълим, **2 420 нафар** техникум битирувчилари билан шуғулланиб, уларни мутахассислиги бўйича доимий ишга жойлаштириш ҳамда тадбиркорликка жалб этиш орқали бандлигини таъминлаш чораларини кўрсин.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Мамадиярова**) туман (шаҳар) Оила ва хотин-қизлар бўлинмалари билан биргаликда **1095 нафар** бола парваришида бўлган битирувчилар билан учрашиб, улар ўртасида сўровнома ўтказиб, ишлаш имкониятига эга бўлган битирувчиларни бандлигини таъминлашга кўмаклашсин.

19. Вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**), Навоий давлат университети (**Калонов**), Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети (**Мардонов**) туман (шаҳар) ҳокимлари билан биргаликда **бир ҳафта муддатда** корхона (ташкилот)лар кесимида вакансияларни шакллантириб, олийгоҳларда ва ҳар бир туман (шаҳар)да “Меҳнат ярмарка”ларини ўтказилишини таъминласин.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги вилоят бошқармаси (**Ражабов**), вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**) **67 нафар** ногиронлиги бўлган битирувчиларни ишга жойлаштиришга кўмаклашсин.

АТБ “Алоқабанк” вилоят филиали (**Камолов**), ТИФ “Миллийбанк” вилоят филиали (**Дилов**) туман (шаҳар) марказларида “Карера кунлари”ни ташкил этиб борсин ва натижаси бўйича вилоят ҳокимига ахборот киритсин.

Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (**Сулаймонов Ходжаев**) амалга оширилган ишлар тўғрисида **ҳар ҳафта якуни билан** вилоят ҳокимига ахборот киритиб борсин.

20. Туман (шаҳар) ҳокимлари:

кичик ва ёшлар саноат зоналари фаолиятини самарали ташкил этишга шахсан масъул эканликлари, агарда ишлар етарли даражада ташкил этилмаган тақдирда, туман (шаҳар) ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари ҳамда инвестиция масалалари бўйича ўринбосарларига нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилиши белгилаб қўйилсин;

бир ҳафта муддатда саноат зоналарида қурилиш ишлари бошланмаган ва тўхтаб қолган лойиҳаларда қурилиш ишларини бошлаттириш ҳамда бўш турган ер майдонларига салоҳиятли тадбиркорларни жойлаштириш чораларини кўриб, амалга оширилган ишлар натижадорлиги юзасидан вилоят ҳокимига маълумот киритсин.

21. Навбаҳор тумани ҳокими (Рашидов) бир ҳафта муддатда Навбаҳор туманида ташкил этилган кичик саноат зонасининг бугунги кунда бўш турган **10,6 гектар** майдонига тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда лойиҳаларни жойлаштириш чораларини кўрсин.

Бунда, лойиҳаларни жойлаштириш чоралари кўрилмаган тақдирда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари ҳамда инвестиция масалалари бўйича ўринбосарига нисбатан интизомий чора кўрилиши бўйича **огоҳлантирилсин**.

22. Вилоят Иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси (Бобоқулов), “Навоий инвест” АЖ (Атажанов) беш кун муддатда:

Тадбиркорликни ривожлантириш жамғармаси маблағларини бошқариш ҳуқуқини “Навоий инвест” АЖ ихтиёрига ўтказиш бўйича;

“Кичик ва ёшлар саноат зоналари бўйича дирекция” ДМ (**Матлабов**) билан биргаликда Хатирчи тумани “Бахшижар” МФЙдаги кичик саноат зонасида электр энергия ва ички автомобиль йўлларини қуриш, Нурота тумани “Истиқлол” МФЙдаги кичик саноат зонасида электр энергия ва сув тармоғини тортиш учун Тадбиркорликни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириш бўйича асослантирилган таклифларни вилоят ҳокимига киритсин.

23. Давлат кадастрлар палатаси вилоят бошқармаси (Зайниддинов), “Кичик ва ёшлар саноат зоналари бўйича дирекция” ДМ (Матлабов) билан биргаликда уч кун муддатда саноат зонаси ҳудудидаги таги ўчмаган лотларни тагини ўчириб, ер майдонларини аукцион савдоларига чиқариш чораларини кўриб, натижаси бўйича ахборот берин.

24. Вилоят Автомобиль йўллари бошқармаси (**Пирназаров**), “Навоий вилояти Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК (**Исмоилов**), “Навоий сув таъминоти” АЖ (**Зарипов**), “Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” (**Тўраев**) **ўн кун муддатда** саноат зоналаридаги объектларда қурилиш ишларини бошлаш ҳамда қурилиш ишларини жадаллаштириш чораларини кўриб, амалга оширилган ишлар юзасидан вилоят ҳокимлигига ахборот киритсин.

25. “Кичик ва ёшлар саноат зоналари бўйича дирекцияси” ДМ (**Матлабов**) **ҳар ҳафта якуни билан** Кичик ва ёшлар саноат зоналари фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида, йиғилишда берилган топшириқлар ижроси бўйича вилоят ҳокимлигига танқидий-таҳлилий маълумот киритсин.

26. Вилоят ҳокимининг ўринбосари **Э.Ғаффоров** ушбу топшириқлар ижросини шахсан назоратга олиб, кичик ва ёшлар саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириб борсин ҳамда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида **ҳар ўн кунда** вилоят ҳокимига ахборот бериб борсин.

27. Вилоят Фавқулодда вазиятлар бошқармаси (**Эшонов**) тегишли ташкилотлар билан биргаликда тадбирларни ташкил этилишини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш бўйича **вилоят штаби фаолиятини йўлга қўйсин:**

вилоятдаги коммунал, қурилиш ва ижтимоий соҳа объектлари, йирик ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда туман (шаҳар)ларда амалга оширилган ишларнинг кунлик мониторингини юритсин;

тадбир доирасида фавқулодда вазиятлар ва ёнғинларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида бозорлар ва савдо комплекслари радиоузеллари ва катта мониторингларда кенг ёритиб борилиши таъминласин;

ҳаво ҳароратининг кескин кўтарилиши даврида ёниш-портлаш ва хавфли ишлаб чиқариш, ўрмон хўжаликлари, ўта муҳим тоифаланган ва йирик қурилиш объектлари, божхона омборлари, бозорлар ва савдо комплексларида назорат-профилактика ишларини кучайтирсин.

28. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ниёзов**), “Навоий сув таъминоти” АЖ (**Зарипов**), вилоят Фавқулодда вазиятлар бошқармаси (**Эшонов**) туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда ёнғинга қарши ер ости сув олғич (гидрант)ларнинг ҳолатини ўрганиб чиқиб, натижаси бўйича вилоят ҳокимига таклифлар ишлаб чиқиб киритсин.

Бир ой муддатда носоз ёнғинга қарши ер ости сув олғич (гидрант)ларни соз ҳолатга келтириш чораларини кўрсин.

29. “Худудий электр тармоқлари” АЖ Навоий филиали (**Зарипов**) бугундан бошлаб бозор ва савдо мажмуаларини электр энергияси билан таъминловчи трансформаторлар ҳамда электр тақсимлаш қутиларидаги носозликларни бартараф этиш чораларини кўрсин.

30. Энергияназорат инспекцияси (**Шомуродов**) “Худудгазтаъминот” АЖ вилоят филиали (**Нормаматов**) билан биргаликда **уч кун муддатда** бозорлар ва савдо мажмуаларида маиший газ баллонларидан ноқонуний фойдаланишга йўл қўймаслик ҳамда табиий газ тармоғига ўзбошимчалик билан уланишларнинг олдини олиш чораларини кўрсин.

31. Тоғ-кон геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси шимолий-ғарбий минтақавий бошқармаси (**Норқулов**), Энергияназорат инспекцияси (**Шомуродов**), вилоят Фавқулодда вазиятлар бошқармаси (**Эшонов**) хавфли ишлаб чиқариш объектларида, шунингдек, автомобилларга ёқилғи қуйиш ва газ тўлдириш шохобчаларида саноат ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинишини белгиланган тартибда ташкил этиш чораларини кўрсин.

32. Вилоят Транспорт бошқармаси (**Раҳимов**), вилоят Фавқулодда вазиятлар бошқармаси (**Эшонов**) билан биргаликда:

беш кун муддатда жамоат транспортларини замонавий ёнғин ўчириш ускуналари билан таъминланганлик ҳолатини ўрганиб чиқсин;

жамоат транспортларида фуқаролар учун соддалаштирилган ва тушунарли бўлган ёнғин хавфсизлигини тарғиб қилувчи материаллар жойлаштирилишини ташкил этсин.

33. Вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси (**Отақулов**), Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси (**Турдиев**) туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳамда тегишли ташкилотлар билан биргаликда:

йирик бозорлар ҳудудида ўзбошимчалик билан жойлаштирилган ёки ноқонуний қурилган бино-иншоот (савдо шохобчаси, раста, дўкон)ларни шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқлаштириш чораларини кўрсин;

йирик қурилиш объектларида пайвандлаш ва бошқа оловли ишларни бажаришда амалдаги қоидалар талабларига қатъий риоя этилишини назоратга олсин.

34. Энергияназорат инспекцияси (**Шомуродов**) туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳамда масъул ташкилотлар билан биргаликда:

кўп квартирали уйлар, ижтимоий соҳа объектлари ва давлат бошқарув органларининг маъмурий бино ва иншоотларига ўрнатилган фотоэлектр қурилмаларининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўрганиш ишларини амалга ошириб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўрсин;

худудларда нефть маҳсулотларини ноқонуний сотиш фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектларига нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда кескин чоралар кўрилишини таъминласин.

35. Вилоят Фавқулодда вазиятлар бошқармаси (**Эшонов**) ўта муҳим, давлат аҳамиятига молик ва хавфли ишлаб чиқариш объектлари бўлган ташкилотлар билан биргаликда **уч кун муддатда** ўтказилган текширувларда аниқланган ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бузилиш ҳолатларини бартараф этилишини таъминласин.

36. Қўйи Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси (**Садинов**):

аҳоли пунктларидан ўтган магистраль каналларнинг аҳоли зичлигидан келиб чиқиб, канал деворларида зинапоялар ва пандуслар ўрнатиш;

аҳоли истиқомат қилувчи турар жой ва маҳалла, жамоат жойларидан ўтган каналлар бўйларига панжаралар ўрнатиш;

аҳоли пунктларидан ўтган одамлар гавжум бўлган каналлар бўйларига сувга ташлаш учун пуфакли баллонлар ва арқонлардан иборат “ҳимоя пакетлари” ўрнатиш чораларини кўрсин.

37. Вилоят Фавқулодда вазиятлар бошқармаси (**Эшонов**):

беш кун муддатда фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналари балансида бўлган томчилатиб суғориш технологияларидан фойдаланиш учун ташкил этилган геомембранали сунъий сув ҳовузлари атрофи сим тўсиқ (сетка)лар билан ўраш ҳамда сувдан хавфсиз чиқиш учун арқонлар ўрнатиш ҳамда хавфи бор чўмилиш жойлари бўйича ўрганиб таклифлар тайёрлаб вилоят ҳокимига киритсин.

Ички ишлар бошқармаси (**Тасбаев**), Миллий гвардия вилоят бошқармаси (**Тоиров**), туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда каналлар бўйида аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, чўкиш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларнинг ҳамда ёнғин ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида, аҳоли гавжум жамоат жойларида рейд тадбирларини амалга оширсин.

Ижтимоий тармоқларда чўкиш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларнинг ҳамда ёнғин хавфсизлигининг олдини олиш бўйича кенг тарғибот тадбирларини олиб борсин.

38. Вилоят иқтисодиёт ва молия бошқармаси (**Бобоқулов**), туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда **ўн кун муддатда** ижтимоий соҳа объектларидаги ҳожатхоналарнинг санитария ҳолатини яхшилаш мақсадида тегишли зарур маблағларнинг ажратилишини таъминласин.

Бир ҳафта муддатда ижтимоий соҳа объектларининг санитария-гигиена шохобчаларида қурилиш ишлари бошланмаса, тегишли туман (шаҳар) ҳокимликларининг қурилиш бўйича ўринбосарларига нисбатан интизомий жазо чоралари кўрилиши белгилаб қўйилсин.

39. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ниёзов**) “Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати” ДМ билан биргаликда **бир ой муддатда** умумтаълим мактабларининг санитария-гигиена шохобчаларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ишларини якунлаб, экспертиза кўригидан ўтказилишини таъминласин.

40. Қизилтепа (**Бобомуродов**), Хатирчи (**Адизов**), Томди (**Умаров**) туманлари ҳокимликлари таъмирлашга тушган масжид таҳоратхоналарини қурилиш таъмирлаш ишларини жадаллаштириб, ўз вақтида тугатиш чораларини кўрсин.

“Вақф” жамоат фонди вилоят бўлими (**Яндашов**) масжидлар таҳоратхона объектлардаги қурилиш ишларини ўз вақтида молиялаштириб борилишини таъминласин.

41. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси (**Турдиев**) масжид таҳоратхоналари биноларида қурилиш нормалари ва қоидаларига риоя этилиши ҳамда қурилиш-монтаж ишларини сифати устидан қатъий назорат ўрнатсин.

42. Вилоят АТБ “Агро банк” (**Бўронов**) **бир ҳафта муддатда** ҳақдорлиги бор фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг электр энергиясидан ҳосил бўлган қарздорликларини бартараф этилишида “Худудий электр тармоқлари” АЖ Навоий филиали ҳамда туман ҳокимликлари билан ҳамкорликда ишларни ташкил этсин.

Назорати **С.Ҳикматов ва А.Муллажоновга**.

43. Вилоят ҳокими ўринбосари (**Ҳикматов**), вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (**Ҳамроев**), Агроинспекциянинг вилоят бошқармаси (**Худайназаров**) туман ҳокимликлари билан биргаликда пахта ҳосили учун чигит экилган майдонларда олиб борилаётган агротехник тадбирларнинг боришини назорат қилсин ҳамда амалга оширилган ишлар тўғрисида доимий вилоят ҳокимлигига маълумот тақдим этиб борсин.

44. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (**Ходжаев, Мирзаев**), вилоят Маданият бошқармаси (**Ниязов**), Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими (**Хайитов**), туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳамда бириктирилган масъуллар билан биргаликда **“Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!”** бош ғояси асосида ҳар бир маҳаллада байрам тадбирларини ўтказилишини таъминлаш чораларини кўрсин.

45. **Шаҳар, туман ҳокимликлари** жойларда Мустақиллик байрамининг 35-йиллиги муносабати билан халқимизга хос бўлган урф-одат ва анъаналарга муносиб равишда шаҳар ва қишлоқларда, маҳалла ва гузарлар, кўп қаватли уйлар атрофида **ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этсин.**

46. Вилоят ҳокими ўринбосарлари (**Мирзаев, Мардонов**), вилоят маданият бошқармаси (**Ниязов**) “Ўзбекистон – умумий уйимиз” шиори остида вилоятимизда яшаётган миллат ва элатларнинг урф-одат ва қадриятларини тарғиб этишга қаратилган маданий тадбирлар ташкил этсин.

47. Вилоят ҳокими ўринбосарлари (**Сулаймонов, Ходжаев, Мамадиярова**), туман (шаҳар) ҳокимлари билан биргаликда байрам муносабати билан иккинчи жаҳон уруши фахрийлари, кекса авлод вакилларини қўллаб-қувватлаш, “Оилавий болалар уйлари” ва “Мурувват” уйлари тарбияланувчилари, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”, “Камбағаллик реестри” киритилган ҳамда кўмакка муҳтож инсонларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга беғараз ёрдам бериш билан боғлиқ хайрия тадбирларини ташкил этсин.

48. Мазкур йиғилиш баённомаси ижро назоратини ўз зиммамда қолдириб, мониторингини олиб бориш ташкилий-кадрлар гуруҳи (**Авезов**), Ахборот-таҳлил гуруҳи (**Бобомуродов**) ва Ижро интизоми назорати бўлими (**Намозов**) зиммасига юклансин.

Баёнлаштирди



Ф. Эшбоев